

# Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

## № 11 - сонли шартнома

Бухоро шаҳри

14 июль 2022 йил

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори Ф.Б.Жаллиев бир томондан «**BUXORO ELEKTROTEXLOYIXA**» МСНJ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар Ж.У.Джураев иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича шартнома туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг 2022 йил 8 июлдаги № 32251-сонли электрон баённомасига кўра **«Жондор туман Далмунобод МФЙ Далмун қишлоғи ва ички йулларини тъмирлаш»** объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёлларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари кўйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 2 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

#### 2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

#### 2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

### 3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Кўйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзолангандан шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қиласлигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тұхтатиши бир-бируни хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тұғрисидаги масалани күриб чиқиши шарт. Ишларнинг тұхтатиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида күзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада күзда тутилган ишларни тұхтатиши тұғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

#### 4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТҮЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бүйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси құшимча қиймат солиги билан – **44 000 000** (Кирк түрт миллион) сүмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзоланғандан сүнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бүннак (аванс) түловини амалга оширади. Қолган 70% түлов бажарилған ишларни тасдиқловчи хужжат (далолатнома)га асосан түловни амалга оширилишини маълум қиласыз.

4.3. Ишлар қиймати узел-кесил ҳисобланади ва кейинчалик кайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қиймати құпайтиришга енгіб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлгандан;

- ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бүйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета хужжатларини белгиланған тартибда тасдиқланғунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар аниқланған тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равищда ўзгартиришлар ва құшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бүйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувига еришмаган тақдирда, қонунларда белгиланған тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлиидir.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки түлов ва ишларни топширилганда шартлашилған ҳаки кечикирилған ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня түлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилған хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилған бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилған ҳар бир кун учун мажбириятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня түлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилинғунга қадар бажарилған ишлар учун тўланған маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш тақлиfinи билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилған ишлар бўйича белгиланған хужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Бажарувчининг бажарилған ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланған камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа

тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва х.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмат инжиниринг компанияси»

Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5

тел. 223-63-23, 223-63-26

Х/р : 304521860064017045129118260

ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100

Бухоро вилоят Фазначилик бошқармаси

Х/р: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳри

МФО 00014 ИНН 201122919

Компания раҳбари

Ф.Б.Жаллиев

(мухр, имзо)

Хуқуқшунос: Д.Соибов  
Лицензия ЮК № 006116

Ш.Б.:

Р.Хайитов



### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«BUXORO ELEKTROTEXLOYIXA» МСН

Манзил: Бухоро шаҳар

С.Рахимов кўчаси 6-уй

Тел.99-891-405-00-13

Х/с 2020 8000 3051 2532 0001

Банк номи: Узсаноатқурилиш банк

АТИБ баш офиси Тошкент шаҳри

МФО 00440 ИНН 306 732 650

ОКОНХ

Директор

Ж.Джураев

(мухр, имзо)

Хуқуқшунос:




2022 йил 14 июлдаги  
№ 11 - сонли шартномага 1-илова

**Бажариладиган ишларнинг календар  
РЕЖАСИ**

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаси
<b>«Жондор туман Далмунобод МФЙ Далмун қишлоғи ва ички йулларини таъмирлаш»</b> объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чикишни ўз зиммасига олади.	14.07.2022 й.	23.07.2022 й.

**«БУЮРТМАЧИ»**

Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи  
хизмат инжиниринг компанияси





**«ИШ БАЖАРУВЧИ»**

«BUXORO ELEKTROTEXLOYIXA» MCHJ

  
Ж.Джураев



2022 йил 14 июлдаги  
№ 11 - сонли шартномага 2-илова

## ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиҳа ишларининг номи: «Жондор туман Далмунобод МФЙ Далмун қишлоғи ва ички йулларини таъмирлаш» обьекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тузиш ишлари.

Буюртмачи: Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси

Бажарувчи: «BUXORO ELEKROTEXLOYIXA» МСНJ

Объектнинг номи	Хисоблаш	Нархнинг умумий хисоби
<u>«Жондор туман Далмунобод МФЙ Далмун қишлоғи ва ички йулларини таъмирлаш»</u> обьекти бўйича лойиҳа- смета хужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.	<p>Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Лойиҳа- тадқиқот ишларининг қиймати аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 3180- сонли буйргуга асосан объектнинг мураккаблик 2 тоифасига киради. Қурилишнинг тахминий даражаси, мураккаблик даражасига қараб, ўртача 4,25% ни ташкил этади.</p> <p>Хисоблаш учун 2,749 % кабул киласиз.</p>	<p>1 391 304 348 x 2,749 % = 38 260 869</p>
<u>1 391 304 348</u> сўм ҚҚСиз		38 260 869
<u>ҚҚС 15 %</u>		5 739 131
<u>Жами:</u>		44 000 000

Нархи сўз билан: **44 000 000** (Кирқ тўрт миллион) сўм ҚҚС билан.

«BUXORO ELEKROTEXLOYIXA» МСНJ  
директори:



Ж.Джураев